



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 4 март, № 44 (8939)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ АГРАР СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 март куни қишлоқ ҳўжалиги соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид тақдимот билан танишди.

Юртимиз агросаноати самарадорлик ва бозор муносабатлари жиҳатидан ислоҳ қилинмоқда. Соҳага илгор агротехнологиялар, илм-фан ютуқлари кенг жорий этилмоқда.

Бир гуруҳ мутахассислар яқинда Хитой, Италия, Японияга бориб, илмий институтлар, йирик компания ва ҳўжалиklar тажрибасини ўрганди. Шу асосида янги ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилди.

Маълумки, юқори ҳосилдорликнинг биринчи омили, бу — уруғчилик. Хитой қишлоқ ҳўжалиги фанлари академияси экинлар уруғи ва қўнчилигида катта тажрибага эга. Юртимизда эса қишлоқ ҳўжалиги бўйича 14 та илмий институт, 55 та уруғчилик ҳўжалиги бўлишига қарамай янги нав ва агротехнология масаласида оқсоқлик

бор. Деҳқонлар маҳаллий уруғдан манфаат кўрмагани учун чет элликни эъти.

Шу боис Юқори Чирчиқ туманидаги Агрохизматлар марказида Хитой тажрибаси асосида уруғчилик ва қўнчилиқни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун 200 миллион доллар сармоя киритилиб, пахта, буғдой, шоли, макка, узум ва мева навлари кўпайтирилади. Уруғ олишдан бошлаб, уни замонавий техника ва дроплар ёрдамида экиш, дорилаш, йиғиш ва қайта ишлаш бўйича намунавий ҳудуд ташкил қилинади.

Соҳа учун яна бир долзарб масала — малакали кадрлар. Бу борада Италияда яхши таълим тизими бор. Биргина Болонья университети Ев-

ропани малакали мутахассислар билан таъминлашда катта ўрин тутди. Илмий институтлар хусусий сектор билан ҳамкорлик қилиб, буюртма асосида сифатли навларни яратиб, тижоратлаштиряпти.

Ушбу тажрибаларни ўрганиш мақсадида Италиядаги Болонья, Тушиа, Феррара, Пиза олиғоҳларига бу йил 200 нафар ёшни юбориш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Тушиа университети йилига 30 нафар озиқ-овқат технологияни грант асосида ўқитиш, юртимизда кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш тақлифини билдирган.

Дунё тажрибасини ўрганишда ўқиб, ишлаш дастурлари ҳам қўл келади. Масалан, Тошкент аграр университетида Самарқанд филиали, Халқаро қишлоқ ҳўжалиги универси-

тети ўтган йили бир гуруҳ талабаларни Германия ва Англияга юборди. Тошкент давлат аграр ҳамда Халқаро қишлоқ ҳўжалиги университети, Фарғона озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро университетиди талабаларни Японияга юбориш учун япон тили марказлари ташкил этилмоқда.

Тақдимотда режалар қўллаб-қувватлаиб, бундай ҳамкорликни Венгрия, Нидерландия, Канада, Австралия, Жанубий Корея каби агросаноат ривожланган давлатлар билан ҳам кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ҳудудларда инновацион лойиҳаларни кўпайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

ЎзА.

Ҳамкорлик

КУЗАТУВЧИЛАР САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси А. Эшмуратов МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси кузатувчилари миссияси таркибиди Тожикистон Республикасида бўлди.

Сенатор Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишлари билан яқиндан танишди, овоз бериш жараёнларини бевосита кузатди.

Ташриф доирасида МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси халқаро кузатувчилари, жумладан, А. Эшмуратов Тожикистон Сайловлар ва референдумлар бўйича марказий комиссияси раиси Бахтиёр Худойёрзода билан учрашув ўтказди.

Унда Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли сайловларига тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди. МДҲ Парламентлараро Ассамб-

леяси халқаро кузатувчилари бўлиб ўтган парламент сайловлари жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинган ҳолда миллий қонунчилик нормалари ҳамда Тожикистон Республикасининг сайлов соҳасидаги халқаро мажбуриятлари мувофиқ ўтди, деган хулосага келди.

А. Эшмуратов МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси кузатувчилари ўз фаолиятида давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, амалий ёрдам кўрсатиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига риоя қилганини алоҳида эътироф этди.

«Халқ сўзи».

Сиёсий партиялар фракцияларида

ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси қон тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор масалалар, жумладан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини рақамлаштириш ҳамда ижро иши юритиш самарадорлигини янада ошириш, озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари атрофича кўриб чиқилди.

Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг мамлакатимизга ташрифининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари Ўзбекистон ва Покистон муносабатлари ҳақида тўхталиб, кейинги йилларда икки давлат тадбиркорлари иштирокида бизнес-форумлар ташкил этиш орқали янги инвестициявий лойиҳалар ва шартномалар имзоланиши-



га замин яратилаётгани, бу эса ишбилармон доиралар ўртасида савдо, инвестиция ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам бераётганини таъкидлашди.

Мазкур ташриф доирасида имзоланган ҳужжатлар

ўзaro ишонч ва англашувга асосланган икки томонлама ҳамкорликда янги саҳифа очишга замин яратиши қайд этилиб, бу борада партия ва унинг фракцияси олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.



ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси қонун ижодкорлиги билан бир қаторда назорат-таҳлил фаолиятини ҳам амалга оширмоқда.

Ўрганиш

Хусусан, пальма ёғи ва унинг фракцияларидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланишни камайтириш тўғрисидаги масала қўмита томонидан масъул вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассис ҳамда экспертлар иштирокида ўрганилиб, тегишли тақлифлар тайёрланди.

Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг ижро этилиши ҳолати ўрганилди. Аниқланган ҳолатлар қўмиталарнинг қўшма мажлисида муҳокама этилиб, тегишли топшириқларни ўз ичига олган қўшма қарор қабул қилинди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимояси, уларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ҳам Фарғона вилояти мисолида ўрганилди. Натижалар халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши билан қўмитанинг қўшма йиғилишида муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Бундан ташқари, болаларга кўрсатилаётган табибий ёрдам сифати дастлабки тарзда муҳокама этилди. Ушбу долзарб ва кенг камровли масала ҳудудларга чиққан ҳолда комплекс тарзда ўрганилмоқда.

Нодавлат таълим муассасаларида болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кузатилаётгани сабабли Мактабга-ча ва мактаб таълими вазирига бундай ҳолатларнинг сабабларини тушунириш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида сенатор сўрови юборилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъозлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзининг иқтидори, муҳим гоё ва ташаббуслари, ибратли амалий ишлари ва эришган ютуқлари билан ешларга ўрнак бўлиб келаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, Ватанимиз равнақи йўлида бор куч-гайратни, замонавий билим ва малакаси, маънавий-интеллектуал салоҳиятини намоеён этаётган қизларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло ҳулиқи, ноёб истеъдоди, зук-колиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2025 йил 3 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 мартдаги ГЎ-86-сон қарорига илова

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Туремуратова Бийбиназ Кенесбай қизи — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали компьютер инжиниринги мутахассислиги бўйича 1-босқич магистранти (Қорақалпоғистон Республикаси)

Ибрагимова Шахзода Алишер қизи — Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича Нукус олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Сотволдиева Мохиноур Ҳазратулло қизи — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг адабиёт назарияси ихтисослиги бўйича таянч докторанти (Андижон вилояти)

Усмонова Дилшода Эгамберди қизи — Андижон давлат педагогика институтининг жисмоний маданият факультети 2-босқич талабаси

Рухиллаева Нилуфар Шукрулло қизи — Ўзбекистон Миллий университетининг хорижий филология факультети 3-босқич талабаси (Бухоро вилояти)

Бахронова Дилшода Тоҳировна — Бухоро давлат тиббиёт институтининг тиббиёт факультети 6-босқич талабаси

Ортиқова Эъзоза Нодир қизи — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро иқтисодиёт ва менежмент мутахассислиги бўйича 1-босқич магистранти (Жиззах вилояти)

Абдуразоқова Мехрибон Жалолиддин қизи — Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги 8-болалар мусика ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси

Шералиева Жасмина Эркин қизи — Гулистон давлат университетининг санъат-шунослик факультети 1-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Махаммадризоева Мадинабону Махаммадризо қизи — Халқаро қишлоқ ҳўжалиги университетининг қишлоқ ҳўжалиги факультети 3-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Йўлдошева Умमतой Тўлқиновна — «Янги Ўзбекистон» университетининг санъат бошқаруви мутахассислиги бўйича 1-босқич магистранти (Навоий вилояти)

Абдуллаева Саида Равшан қизи — Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультети 1-босқич талабаси (Навоий вилояти)

Олимжонова Ақидохон Анваржон қизи — Наманган вилояти Наманган ихтисослаштирилган санъат мактабининг 11-синф ўқувчиси

Тўйчиева Дилафруз Нуъмонжон қизи — Қўқон давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультети 3-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Анорова Гулҳаё Зокир қизи — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги «Ватанпарвар» маҳалла фуқаролар йиғини комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими

Хамдамова Афрўза Акбаровна — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Абдусаламова Занжилой Фарход қизи — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети 3-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Ганиева Мафтуна Абдуазиз қизи — Гулистон давлат университетининг таълим-тарбия назарияси ва методикаси ихтисослиги бўйича таянч докторанти (Сирдарё вилояти)

Абдусайдова Гулрухсорбаегим Комилжон қизи — Тошкент давлат юридик университети-нинг жиноий одил судлов факультети 4-босқич талабаси (Сурхондарё вилояти)

Зарипова Рушана Робертовна — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича таянч докторанти (Сурхондарё вилояти)

Анварова Наима Анвар қизи — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Уралова Ойша Абдураим қизи — Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридаги «Yangiobod kelajak sari» оилавий хорхонаси раҳбари

Абдурашулова Дилноза Ботрибай қизи — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали дастурий инжиниринг кафедраси ассистенти

Сайназарова Лайлохон Одилжон қизи — Фарғона вилояти Қувасой шаҳар маданият бўлими тўғарак раҳбари

Камалова Шахзода Кахрамон қизи — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Собинова Лайлохон Арслонбек қизи — Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва технологиялар университетининг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси мутахассислиги бўйича 1-босқич магистранти (Хоразм вилояти)

Содиқова Насиба Махитовна — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг театр санъати факультети 3-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

Бабешко Алина Александровна — Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография кафедраси ўқитувчиси (Тошкент шаҳри)

Ижод сеҳри ва меҳри билан яшаш — улкан саодат



Санъат — биргина сўз, аммо унинг замирида дунё гўзалликларидан баҳра олиш, инсон қалбини эзгуликларга ошно этиш, меҳр-муҳаббат, одамлилик, яхшилик каби бугунги давр учун муҳим бўлган фазилатларни улуғлаш, асрар ва авлодларга етказиш каби қатор маънолар мужассам. Бежиз “Санъатни тушунган ва севган одамдан ёмонлик чиқмайди”, дейишмайди. Ахир санъат чин маънода яхшилик жарчиси ва у бунга доим қодир бўлган.

Дил сўзи

Ўзбек санъатининг гултожи — қўшиқчиликдир, десак, адашмаймиз. Бу санъат тури не-не асрлик шоғли ўтмишга эга. Мазкур йўналишда қанчадан-қанча устозода хонандалар ижод қилган. Улар ижросидаги ашулалар аллақачон халқимизнинг маънавий хазинасига айланган, оғиздан-оғизга, пластинкаю кассеталардан замонавий флеш-карталарига ўтиб,

юртдошларимизга завку шавқ улашиб келмоқда. Умрим бевосита санъат, қўшиқ билан болганганидан ҳам қувонаман, ҳам дилдан фахр туяман. Булар мен учун бутун борлигимни қамраб олган мўъжиза ва уларнинг сеҳри мени ҳамиша яратиш ҳамда яшаш ишқига ҳамоҳанг қилади. Лўнда айтганда, ижод сеҳри ва меҳри билан яшаш — улкан саодат.

Ўтган 60 йил давомида қизгин ижодий жараёнда яшадим. Санъат-

га илк бор меҳрим тушиб, биринчи марта қўлимга мусика асбобини олган чоғдан бошлаб бир мақсад ва ният — мухлисларимизга манзур келадиган асарлар яратиш билан яшадим ва яна шундай давом этиш ниятидаман. Хар куни шодиёна ва тўйларга уланаётган мамлакатда санъаткор бўлиш катта бахт.

Она Ўзбекистонимиз — чин маънода санъатни, унинг гўзаллигига улуш қўшаётган ижодкорларни улуғлаб, бошига кўтариб, ардоқлаб келган жаннатмонанд дийёр. Бугун аям шундай эъзоз ва эҳтиромдаги ижодкорлар орасидан қаминга ҳам яна бир бор ўрин эгалладим — давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотландим. Шукрона қунимга бу қутлуғ совға бўлди.

Президентимизга, халқимизга катта раҳмат!

Албатта, бу ҳурмат ва ғамхўрликка муносиб бўлишга астойдил интиламан. Бунинг учун, юқорида таъкидлаганимдек, юртдошларимизга санъатни севиш, меҳр қўйиш ва асрашни ўргатиш, кўнглию чеҳраси илқ инсонларимиз тафтидан тафти олиб ижод қилиш, халқимизнинг яхши қунлари, байраму тўйлариди “лаббай” деб хизматда бўлиш асосий вазифам ва бурчимдир. Зеро, халқ ва она Ватани билан яқдил бўлган, уни эъзозлаган ҳамда мадҳ этган санъаткорнинг умр китоби ўзича маъно-мазмун, гўзал ижро билан безалади.

Гўломжон ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби.

ЯНГИ МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИК ТАШАББУСЛАРИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф 26 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган музокараларда стратегик шерикликни янада кенгайтиришга келишиб олдилар. Хусусан, транспорт алоқалари ва транзит салоҳиятини кенгайтириш, Покистоннинг Карачи портидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Асосий элементи трансафгон темир йўли қурилиши бўлган ушбу улкан режани амалга ошириш Марказий ва Жанубий Осиёни боғлашга мўлжалланган бўлиб, бутун минтақада иқтисодий ўсишга кучли туртки беради.

Нукта назар

Ўтган йил якунларига кўра мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 404,5 млн. долларга етди ва бу борадаги кўрсаткични яқин келажақда 500 млн. долларга етказиш бўйича давлат раҳбарлари белгилаб берган мақсадларга яқинлашди. Қабул қилинган “Йўл харитаси”га мувофиқ, энди ҳукуматлар олдига Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 2 млрд. долларга етказиш вазифаси қўйилди. Экспертлар бу режаларни уудаласа бўладиган реал вазифалар, деб атамоқда. Негаки, охирги йилда Ўзбекистондан Покистонга экспорт ҳажми 1,5 баробар ошиб, 299,5 млн. долларга етди. Хусусан, умумий қиймати 192,3 млн. долларлик 124,7 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилинди ва Покистон бу борада юртимизда етиштирилган табиат нёъматлари етказиб бериладиган бешинчи катта бозорга айлан-ди. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспор-тини янада кенгайтириш мақсадида юр-тимизда Покистон иштирокида йигирмадан ортиқ савдо компаниялари ва агрофирма-лар ташкил этилди. Ҳозир улар Ўзбекистон мева-сабзавотларини Жанубий Осиё мамла-катларига етказиш, шунингдек, Покистоннинг Карачи порти орқали Кўрфаз давлатларига олиб чиқиш билан шўғулланмоқда.

Мош, нўхат, ловия каби дуккакли ўсим-ликлар ҳамда гилос, олма, ўрик сингари ҳўл ва қуритилган мевалар, қўлулғай, қалампир, помидор, қовун ва бошқа полиз маҳсулотла-ри Покистон бозорларида энг харидорғир бўлмоқда. Бундан ташқари, ушбу мамлакат истеъмолчилари Ўзбекистонда етиштирилган дуккакли маҳсулотларни олий сифат белги-си, деб қабул қилаётғир ҳамда заминимиз нёъматлари Эрон, Канада, Мьянма ва Авст-ралиядан келтириладиган шундай товарлар билан тўлиқ рақобатлашмоқда. Покистонлик истеъмолчиларнинг фикрига кўра юртимиз мевалари бетақор мазаси, турли дармон-дорилар, хусусан, темир моддасига бойлиғи билан ажралиб туради. Қисқача айтганда, бундан кейин ҳам заминимиз нёъматларига нафақат Покистон, балки бутун Жанубий Осиё давлатлари бозорларида талаб юқори бўлади. Бу эса ўзаро савдо алоқаларининг янада кенгайишига замин яратади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Покистон ка-питали иштирокида тузилган 130 та кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Покистоннинг йирик компаниялари билан ҳамкорликда Сир-дарё, Тошкент, Наманган вилоятлари ва Тош-кент шаҳрида инвестиция лойиҳалари амал-га оширилди. “Покистонда ишлаб чиқарил-ган” ва “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” кўرғазмалари ҳам савдо ва маданий ҳам-корлик кўламини кенгайтирмоқда. Масалан, 2024 йилнинг июнида бўлиб ўтган бизнес-

нистон ва Покистон ўртасида тўғридан-тўғри, хавфсиз ва иқтисодий манфаатли алоқа ўрна-тиш, минтақавий савдо ва ҳамкорликни яна-да ривожлантириш учун янги имкониятлар очади. Ушбу лойиҳа тугаллангандан сўнг ўзаро товар айирбошлаш кўпаяди, саноат таъминоти тезроқ ва самаралироқ бўлади, бозорга кириш яхшиланади, янгиланган ин-фратузилма ва “ақлли” логистика барпо эти-лади. Мазкур лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши бутун минтақада иқти-содий ўсишнинг кучли омили бўлиб хизмат қилади, инвестициявий жозибадорликни оширади ва янги иш ўринлари, айниқса, ло-гистика, транспорт ва савдо соҳасида очи-лади.

Кейинги йилларда Тошкент учун Исломобод билан ҳамкорликнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамияти сезиларли даражада ошди. Бу сав-до-иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланга-ни, Ўзбекистон ҳукумати жанубий йўналиш-да транспорт-логистика инфратузилмалари-ни ривожлантиришдек мураккаб вазифани мақсадли равишда ҳал қилишга интилаётгани билан изоҳланади. Шу-нингдек, Ўзбекистоннинг Покистон билан ташқи савдо айланмасида ижоб-ий салдога эга бўлиши, яъни Покистонга экспорт ҳажмини янада кенгайти-риши ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларга, пировардида фазнага яна-да кўпроқ фойда келти-риши муҳим.

Яна бир жиҳат, Поки-стон орқали савдо юритиш Ўзбекистон учун денгиз-га чиқишнинг энг самар-али усули ҳисобланади. Худди шундай, Марказий Осиё бозорлари билан савдо муносабатларини кенгайтиришга хизмат қиладиган алоқаларни ўрнатиш Покистоннинг ҳам асосий мақсадлари-дан биридир. Бугунги кун-да олдимизда турган

асосий стратегик вазифа самарали, хавф-сиз ва замонавий транспорт-логистика йўлақларини ривожлантиришдан иборат бўлиб, у нафақат иқтисодий интеграцияни кучайтиради, балки маданиятлараро муло-қатни чўқураштириш ва икки томонлама ҳамкорликини мустаҳкамлашга хизмат қи-лади. Бу йўналишдаги муштарак саъй-ҳарақат-лар иқтисодиётларимиз рақобатбардошли-гини сезиларли даражада оширади, сармоя-

вий муҳитни яхшилайди ва бутун минтақанинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлади.

Покистон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда катта тажриба ва салоҳи-ятга эга. Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулот-ларига ҳам хорижда талаб жадал ўсиб бор-моқда. Бугунги кунда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати янги Ўзбекистонда етакчи ҳамда жадал ривожланаётган тармоқлардан биридир. Сўнгги йилларда саноат ишлаб чиқаришининг йиллик ўсиши ўртача 20 фоиз-дан ошди. Мамлакатимиз тўқимачилик сано-атини диверсификация қилиш, тайёр ма-ҳсулотлар экспортини рағбатлантириш бора-сида уудаланаётган амалий ишлар самара-си ўлароқ, Ўзбекистоннинг бу жабҳадаги са-лоҳияти тобора юксалмоқда. Бугун жаҳон бозорларида ўзгариб бораётган рақобат ша-роити тўқимачилик саноатини диверсифика-циялаш, инвестицияларни кўпайтириш, “ноу-хау”ларни ўзлаштириш, технологияларни трансфер қилиш, маҳсулотларни халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлаш бўйича тегишли тақлифлар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф таш-рифнинг эътибори томони шунда бўлдики, у Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлиғида амалга оши-рилаётган кенг кўламли ислохотлар дасту-рини, шунингдек, бизнес юритиш учун яратилган шaroитларни юқори баҳолади.

Бош вазир Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекис-тонга ташрифи ўзаро ҳамкорлик ва минта-қавий тараққиётнинг янги даврини очиб бе-риши, мамлакатларимиз ўртасидаги ришта-ларни кучлироқ жипслаштириши, ўзаро боғ-лиқлик ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш-ни жадаллаштиришга ургу берилгани би-лан аҳамиятли бўлди. Олий даражали таш-риф чоғидаги очиқ ва дўстона мулоқот иқти-содий муносабатларни кенгайтириш мақса-дида манфаатли савдо йўлақларидан фой-даланиш ва янги минтақавий боғлиқлик та-шаббусларини илгари суриш, автомобиль ва темир йўл транспорти инфратузилмаларини ривожлантириш, ўзаро ҳамда янги бозорлар-га чиқиш, минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик йўлида ҳамкорликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш учун мус-таҳкам пойдевор бўлиши аниқ. Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги стратегик ҳамкор-ликнинг шаддам қадамлар билан ривожла-ниши нафақат икки мамлакат, балки қўшни минтақалардаги тараққиёт ва умумий фар-овонликка ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Элмурод ҲОШИМОВ,
Банк-молия академияси ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори.

Ёш конструкторларимиз Японияда сунъий йўлдош яратишади

Космик тадқиқотлар олиб бориш, замонавий технологияларни ҳаётга кенг жорий этиш, тармоқ учун етук кадрлар тайёрлашга юртимизда катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жаҳон космик бозорининг энг йирик давлатлари, нуфузли агентликлар ҳамда университетлар билан ўзаро самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани ижобий натижаларга йўл очмоқда.

Фан ва технология

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазир-лиги ҳамда “Ўзбеккосмос” агентлиги мутасаддилари билан Япониянинг “Kyushu Institute of Technology” институти про-фессорлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда космосни тадқиқ қилиш ўзасидан қатор лойиҳалар муҳокама этилган эди. Яқинда мазкур институт билан келишув имзоланиб, 7 нафар ёш муҳандис-конструкторни Японияда 2 йил даво-мида магистратура босқичида космик аппаратларни лойиҳа-лаш, йиғиш ва синовдан ўтказиш йўналишида ўқитишга ке-лишиб олинди. Бу вақт оралиғида ёш мутахассис-конструк-торларимиз япониялик тажрибали профессорлар билан бир-галикда Ўзбекистоннинг биринчи илмий-технологик сунъий йўлдоши — “6U Subsat”ни яратиб, орбитага учуриш режа-лаштирилган.

Қайд этиш лозим, мазкур лойиҳани амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 14 октябрдаги “2024 — 2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик техно-логияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

“Kyushu Institute of Technology” институти 1907 йилда фаолият бошлаган бўлиб, QS рейтингги бўйича дунёнинг энг яхши 1000 та олийгоҳи қаторига қиради. Ҳозирга қадар бу институтида жаҳоннинг турли мамлакатлари учун 70 минг нафар-дан ортиқ муҳандис-конструкторлар тайёрланган. Бугунги кун-да институт космик таълим йўналишида кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик қилади ва соҳа учун етук кадрлар тайёр-лаб, сунъий йўлдошлар яратилишигача кўмаклашади.

2024 йилнинг октябрь ойида “Kyushu Institute of Technology” институти Япония Аэрокосмик тадқиқотлар агентлиги (JAXA) томонидан ишлаб чиқилган ва “UNISEC” консорциуми томо-нидан кўллаб-қувватланадиган “J-CUBE” дастури доирасида Молдова Техника университети билан истиқболли ҳамкор-лики бошланди. Ушбу глобал ташаббус наносунъий йўлдош-ларни ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, бутун дунё универ-ситетларини космик технологиялар соҳасида кўшма тадқи-қотлар ва ишланмалар учун бирлаштиради.

“Ўзбеккосмос” агентлиги мамлакатимизда космик таълимни янада ривожлантириш, ёшларнинг техник-муҳандислик, ас-тронавтика ва астрономия каби йўналишларда билим ва таж-рибаларини ошириш мақсадида АҚШ, Буюк Британия, Фран-ция, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Туркия, Озарбайжон билан кўшма таълим лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириб келмоқда.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»)



БАЛИҚ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра балиқ гўшти озиқ-овқат маҳсулотлари ичида энг фойдалиси ҳисобланади. Шу боис дунёнинг кўплаб давлатларида балиқ маҳсулотларига нафақат озиқ-овқат, балки шифобахш маҳсулот сифатида ҳам қаралади. Аҳолининг йиллик балиқ истеъмоли ўртача 18 — 20 килограмми ташкил этади.

Таассуф

Ўзбекистонда ҳам ушбу маҳсулотга бўлган талаб йил сайин ортиб бор-моқда. Ўтган йили мамлакатимизда қарий 191 минг тоннадан ошиқ балиқ етиштирилган. Бу — киши бошига йил-ига ўртача 5 килограмм атрофида балиқ тўғри келади, деганидир.

Мамлакатимиз шaroитида кичик сунъий ҳавзаларда балиқ боқиш та-биий шaroитга қараганда анча фой-дали ва самарали усул. Боиси — бу-нинг учун қўшимча ер майдони ва қўп ишчи кучи, катта маблағ талаб этил-майди. Кичик ҳавзада балиқни етарли озуқа билан таъминлаб, тез етилти-риш имкони бор. Тўрт ёки беш сотих ерда ҳам ҳавза ташкил қилиб, тона-лаб балиқ етиштириш мумкин. Бу усул жуда самарали эканини Чироқчи ту-манининг Қахрамон қишлоғи томорқа-чилари фаолиятида кўриш мумкин.

Қахрамонликлар иссиқхонада кичик ҳовуз барпо этиб, ер остидан олинган сувда балиқ етиштириш бўйича ўзига хос мактаб яратган. Бугунги кунда ма-ҳалладаги саксонга яқин хонадонлар кичик ҳавзаларда балиқ парваришлаб, яхши даромад топмоқда. Эътиборли-си, сўнгги йилларда бундай усулда балиқ етиштираётган оилалар сони ортиб бормоқда.

“Толимаржон”, “Чимкўргон”, “Пачка-мар”, “Қалқама” сув омборлари, Си-чанкўл, Ачинкўл кўллари каби ўнлаб йирик сув ҳавзаларида балиқчиликни янада ривожлантириш бўйича катта салоҳият мавжуд. Аммо бу борада бир неча маротаба ҳукумат қарорлари, ви-

лоят миқёсидаги дастурлар қабул қилингани, янги лойиҳалар белгилаб олингани билан айтирли натижа се-зилмапти. Вилоятда балиқчилик сал-моғи йилдан-йилга камайса камайп-тики, асло олдинга силжиятгани йўқ. Масалан, 2020 йилда Қашқадарёда 6447 тоннадан ортиқ балиқ етишти-рилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич атиғи 4356,9 тоннани ташкил этди.

Президентимизнинг 2023 йил 18 ав-густдаги қарори билан мамлакатимиз-да балиқчилик тармоғини янада ри-вожлантириш, мавжуд сув ҳавзалари имкониятидан самарали фойдаланиш борасида қатор чора-тадбирларни бeғ-лаб берилган. Мазкур қарорда 2024 йилда Қорақалпоғистон Респуб-ликаси ва вилоятларда балиқ етишти-ришнинг прогноз кўрсаткичлари ҳам келтирилган. Унга кўра Қашқадарё ви-лоятида 40 минг тонна балиқ парва-рилланиши лозим эди. Бироқ “тўр сув-дан кўтарилганда” рақамлар бундан тўққиз баробар кам эканлигини кўрсат-моқда. Афсуски, вилоятда балиқчилик-ни ривожлантириш учун масъул бўлган аниқ бир ташкилот йўқ. Хусусан, мам-лакатимизда балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилин-ган дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилишини мувофиқлашти-риш, соҳага замонавий технологиялар-ни жорий қилиш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларида оқилона фойдаланишни ташкил этишга масъул идоралардан бири “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ҳисобланади. Ташкилотнинг қуйи

органлари сифатида ҳудудлардаги “Балиқсаноат” МЧЖ кўрсатилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда биз ҳам “Қашқадарёбалиқсаноат” МЧЖнинг эшигини қокдик. Бироқ бир ойдан зиёд уринишимиз давомида корхона раҳба-ридан саволларимизга жавоб олиш имкони бўлмади. “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси масъулларининг изоҳ бе-ришича, “Қашқадарёбалиқсаноат” МЧЖ тўлиқ тадбиркорлик субъекти ҳисоб-ланади. Уюшма таркибида фақат кўмаклашувчи ташкилот мақомига эга. Ҳудудда балиқчиликни ривожлантириш бўйича зиммасига ҳеч қандай масъуляят олмаган. Ваҳоланки, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ташкилий-технологик жараёнларини тизимли ташкил этиш, балиқ қавоқла-рини тақрор кўпайтириш ва озуқа ба-зани мустаҳкамлаш, шунингдек, балиқ етиштириш жараёнига илмий асослан-ган усуллари ва интенсивс техноло-гияларни жорий қилиш ҳам “Ўзбекба-лиқсаноат” уюшмасининг асосий ва-зифалари ва йўналишларига қиради.

Ҳозирча англаганимиз эса тармоққа эга бору масъул йўқ!

Оқибатда Қашқадарёда балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилгани, ҳукумат доирасида-ги муҳим дастурлар қабул қилингани-га қарамай, натижа йилдан-йилга па-сайиб бормоқда. Ваҳоланки, воҳода балиқчиликни ривожлантириш учун кўплаб кўллар тизими ва сув омбор-лари мавжуд. Балиқчилик тармоғи ри-вожланса, янги иш ўринлари ярати-лади. Бу воҳа аҳолисининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъ-минлаб, соҳанинг экспорт салоҳияти-ни оширади.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Туйғу

БАҲОР БАХТИ

Кўнглимнинг кўзида кўз очган куртак, Менинг қалбимдаги баҳордан дарак. Қувончим қалқитган икродан дарак, Баҳорни кутиш ҳам бахтдир, дўстларим!

Сиз кутган баҳор ҳам дилдами, айтинг, Ё улар сиз томон йўлдами, айтинг? Борми деб сўрсангиз баҳорий байтинг, Баҳорни кутиш ҳам бахтдир, дўстларим!

Кўклам кўklarини кўзимга боссам, Дийдор тилаб турган юзимга боссам, Байти бозиллаган ғазаллар ёзсам, Баҳорни кутиш ҳам бахтдир, дўстларим!

Сумалак сийланган қозон бошида, Соғинчим оқади кўзим ёшида, Кўклам ифори бор ичу ташида, Баҳорни кутиш ҳам бахтдир, дўстларим!

Хаёлда лолалар очилган қирлар, Ошиқлар сирлари сочилган қирлар, Шоирнинг шароби ўқилган шеърлар, Баҳорни кутиш ҳам бахтдир, дўстларим!

Бу кунларга етган, етмаган қанча, Баҳорнинг баридан тутмаган қанча, Соғ бўлинг, кўп-кўплаб баҳор келгунча, Баҳорни кутиш ҳам бахтдир, дўстларим!

Маҳмуд ТОИР,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон халқ шоири.

Франциянинг Гретц-Арменвиль шаҳрида Абу Райҳон Беруний бюсти ўрнатилди

1 март куни Франциянинг Гретц-Арменвиль шаҳридаги “Ураноскоп” расадхонаси ҳудудида буюк мутафаккир ва комусий олим Абу Райҳон Беруний бюстини ўрнатиш маросими бўлиб ўтди.

Унда Гретц-Арменвиль шаҳри мэри Жан-Пол Гарсия Робин, “Ураноскоп” обсерваторияси президенти Кристиан Боурди ва Ўзбекистоннинг Франциядаги элчиси Нодир Ганиев сўзга чиқди.



Биз ва жаҳон

Таъкидланганидек, ушбу ёдгорликнинг очилиши муҳим сана — Ўзбекистон ва Франция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 33 йилли-гига тўғри келди. Бу воқелик, шунингдек, ўзбек ва француз халқлари ўртасидаги та-рихий-маданий алоқалар мустаҳкамланиб бораётганидан далолат.

Ўзбекистонда Абу Райҳон Берунийнинг илмий-маъри-фий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Қайд этилганидек, буюк олимнинг илмий кашфиётларини ўрганиш ва оммалашти-ришга қўшган ҳиссаси учун Абу Райҳон Беруний номида-ги ЮНЕСКО — Ўзбекистон халқаро мукофотининг таъсис этилиши мамлакатимиз раҳбариятининг ёрқин ташаббус-ларидан бири бўлди.

Маълумот учун, Париждан 32 километр узоқликда Иль-де-Франс ҳудудида жойлашган Гретц-Арменвиль шаҳ-ри маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун жозибадор ман-зил ҳисобланади. Шаҳар Сент-Жан-Баптиста черкови (XV аср), Арменвиль миллий боғи ва бошқа диққатга са-зовор жойлари билан машҳур.

Жан-Поль Гарсия РОБИН,
Гретц-Арменвиль шаҳри мэри:
— Буюк ўзбек комусий олими Абу Райҳон Беруний бюстининг ўрнатилиши Гретц-Арменвиль шаҳри учун кат-та воқеадир. Ушбу ёдгорликни ўрнатишда ҳар томонлама ёрдам берган Ўзбекистон ҳукуматига шахримиз ахлиси номидан самимий миннатдорлик билдираман. Шунингдек, мазкур ёдгорликни яратган француз хайкалтароши Миссор Мовaxeдга ҳам ўз ташаққуригимизни изҳор этамиз.

28 февраль куни биз ҳар 100 йилда бир марта содир бўладиган ажойиб воқеа — Қуёш тизимидаги сайёралар-нинг бир хил текисликда айланишига гувоҳ бўлдик. Бугун эса шахримизда буюк астроном Абу Райҳон Беруний ёдгорлиғи очилди. Бу воқеалар рамзий маънога эга, деб ўйлайман.

Кристиан БОУРДИ,
“Ураноскоп” расадхонаси президенти:
— 1 март санаси Ўзбекистон ва Франция ўртасида дип-ломатик муносабатлар ўрнатилган кун сифатида тарихда муқрланган. Французлар ўзбек халқига, унинг бой тари-хига, бетақорр маданиятига ҳурмат билан ёндашади. Та-рихий Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари француз сай-ёҳларини ўзига фаол жалб этмоқда ва улар сони йилдан-йилга ошиб бораётғир.

Французлар тарих, қадимий мерос ва маданиятга жуда қизиқади. Шунинг учун ҳам улар Ўзбекистонга бориш ва ажойиб мамлакатингизни кашф этишдан доимо маннун. Шаҳримизда Абу Райҳон Беруний ёдгорлигининг ўрнати-лиши ана шу бой маданиятнинг асрлар оша таъсиридан далолат, чунки гап бундан минг йил аввал яшаб ўтган олим ҳақида бораётғир. Ушбу обида икки томонлама му-носабатларимиз тарихига, шунингдек, Берунийнинг жа-ҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган ҳисса-сига кўрсатилган ҳурмат белгисидир.

«Дунё» АА.
Гретц-Арменвиль

ТАФАККУР ВА ЁНДАШУВ

ДАВР ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШИШ МАСЪУЛИЯТИ

Яқинда давлатимиз раҳбари қабул қилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармон нафақат иқтисодий ривожланишнинг асосий устувор йўналишларини белгилаб беради, балки янги авлодни таълим ва инновация йўналишида тарбиялаш, уларга илгор билим ва замонавий компетенциялар беришга замин яратади. Шу жиҳатдан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси — янги тараққиёт босқичи, мамлакатнинг глобал иқтисодиётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат, десак, айни ҳақиқат.

Олий таълим

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2025 йил мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Бу Ўзбекистоннинг экологик барқарорлик, ресурсларни тежаш ва “яшил” тараққиётни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини янги босқичга олиб чиқади. Жаҳонда экология ва иқлим ўзгаришига қарши кураш тобора долзарб аҳамият касб этаётган бир пайтда Ўзбекистон “яшил” иқтисодиётга ўтиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш ва экологик муаммоларга ечим топиш бўйича стратегик максатларини ўз олдига қўйган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида илм-фан ҳамда таълим соҳасига устувор аҳамият қаратилади.

Хусусан, таълим ва илм-фан ривожини таъминлаш учун қўйиладиган йўналишларда ишлар амалга оширилади:

■ олий таълим ва касбий таълим тизимини модернизация қилиш. Янги замонавий таълим стандартлари, рақамли ва инновация технологиялари жорий этиш, халқаро таълим тизимига интеграцияни кучайтириш;

■ экологик барқарор ривожланиш ва “яшил” иқтисодиёт бўйича янги ўқув дастурлари. Олий таълим ва касб-хунар мактабларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил” ривожланиш фанини жорий этиш, муҳандислик ва табиий фанлар йўналишларини кенгайтириш;

■ илмий тадқиқотлар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш. Илмий тадқиқот институтлари фаолиятини кенгайтириш, халқаро илмий ҳамкорликни кучайтириш, “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида стипендиялар ажратиш;

■ кадрлар тайёрлашда янги ёндашувлар. Экология, муҳандислик ва энергетика соҳаларидаги мутахассислар тайёрлашни кучайтириш, “яшил” иқтисодиёт бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш;

■ замонавий таълим инфратузилмасини ривожлантириш. Ҳар бир ҳудудда “яшил техникум”лар очилиши, уларни Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети билан ҳамкорликда ривожлантириш режалаштирилган.

Мамлакатимизда илм-фан ва таълим устувор йўналиш сифатида белгиланар экан, бу ўз навбатида, интеллектуал салоҳиятнинг юксалишига, экологик барқарор ривожланишнинг таъминлашга ва инновация тараққиётга хизмат қилади. Шу маънода, ташкил этиладиган Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети иқлим ўзгариши, экологик муаммолар ва барқарор ривожланиш бўйича илмий изланишлар олиб боради, халқаро ташкилотлар ва тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни кучайтиради. Шунингдек, олий таълим муассасаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил” ривожланиш фанининг жорий этилиши экологик билим ҳамда малакага эга мутахассисларни тайёрлаш имконини яратади.

Янги билим ва технологияларни ўзлаштириш имконияти

Фармонга мувофиқ, “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги халқаро ўқув дастурлари учун махсус грантлар ажратилиши белгиланган. Бу эса илгор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, янги билим ва технологияларни ўзлаштириш имконини беради.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастури нафақат иқтисодиёт ва экология, балки педагогик олий таълим тизими учун ҳам янги

имкониятлар эшигини очади. Зеро, барқарор ривожланиш, экологик маданият ва “яшил” технологиялар жамиятда инсон капитали билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнда олий педагогик таълим муҳим ўрин тутаяди.

Замонавий педагогика тизими нафақат фуқароларни умумий билимлар билан таъминлаш, балки уларда экологик маданиятни шакллантириш, табиатга масъулият билан муносабатда бўлиш ва барқарор ривожланиш таъминларини сингдириш вазифасини ҳам бажариши лозим. Шу боис ҳам олий педагогик таълим тизимида бир қатор ислохотлар амалга оширилади.

Биринчи навбатда, педагогика университети ва институтларида атроф-муҳит муҳофазаси, иқлим ўзгариши ва экологик барқарорликка оид ўқув дастурларини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кун ўқитувчилари ўз мутахассислик соҳаси бўйича билимга эга бўлиш билан чекланмай, ёшларга экологик маданият ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш таъминларини ҳам ўргатиши керак. Шу мақсадда келгуси йилларда педагогика фанлари дастурларига экологик таълим асослари, “яшил иқтисодиёт” таъминлари ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича фанлар киритилиши лозим бўлади.

Экологик маданият ва барқарор ривожланишга оид фанлар ҳамда методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, педагогик кадрларни тайёрлашда фойдаланишни йўлга қўйиш зарур. Бу ислохотлар педагогика соҳасини нафақат замонавий талабларга мослаштириш, балки таълим жараёнини экологик онг ва масъулият асосида ривожлантиришга хизмат қилади. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга ошириладиган бу ўзга-



ришлар келажак авлоднинг экологик таълим савиясини юксалтириш ва “яшил тараққиёт” гоёларини амалиётга табиқ этишда муҳим қадам бўлади.

Йил дастури мамлакатимиз таълим соҳасини, хусусан, педагогик олий таълим тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган. Бу Чирчиқ давлат педагогика университетида амалга оширилаётган инновацион таълим лойиҳалари билан уйғун ва ҳамоҳанг.

Педагогик таълим инновацион кластери

Таълим муассасамизда жорий этилган “Педагогик таълим инновацион кластери” лойиҳаси илм-фан, амалиёт ва таълимни узвий боғлаш орқали барқарор ривожланиш гоёларини кенг жорий этишни назарда тутаяди. Кластер моделининг асосий мақсади таълим жараёнини инновацион ёндашувлар билан бойитиш, малакали педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда устувор фан соҳаларини узвийлик ва узлуксизлик таъминлашлари асосида ривожлантириш орқали барқарор ривожланиш стратегияларини шакллантиришдан иборат.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълимнинг ривожланишига қўйилган устувор йўналишлардан бири, бу — экологик маданиятни ошириш ва ресурстежамкор билимларни шакл-



лантириш. Шу боис педагогик таълим инновацион кластери доирасида экологик таълим, атроф-муҳит муҳофазаси, “яшил” иқтисодиёт асослари ва иқлим ўзгариши бўйича мутахассислик курсларини очиб мақсад қилинган. Ушбу курслар нафақат назарий билим бериш, балки амалий тажрибалар орқали талабаларнинг атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш масалалари бўйича компетенциясини оширишга йўналтирилади.

Кластер доирасида экологик таълим бўйича ўқув курслари, семинарлар ва амалиётлар ташкил этилади, қайта тикланувчи энергия манбалари, ресурс тежовчи технологиялар ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича инновацион тадқиқотлар амалга оширилади, экологик таълим ва “яшил” иқтисодиёт йўналишидаги илгор талабаларнинг атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш масалалари бўйича компетенциясини оширишга йўналтирилади.

Бундан ташқари, “Педагогик таълим инновацион кластери” доирасида таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик кучайтирилади. Бу эса экологик таълим бўйича янги методикаларни ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини халқаро стандартларга мослаштириш ва “Устоз — шогирд” тизимини мустаҳкамлаш имконини беради. Шунингдек, мутахассислар ва ўқитувчилар учун халқаро малака ошириш дастурлари ташкил этилиб, хорижий педагогик ва илмий марказлар билан ҳамкорлик кенгайтирилади. Шу тариха Чирчиқ давлат педагогика университетидаги “Педагогик

таълим инновацион кластери” нафақат замонавий педагогларни тайёрлаш, балки уларнинг экологик маданияти ва “яшил” дунёқарашини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Бу “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган экологик барқарорлик ва ресурстежамкор таълим моделини шакллантиришда муҳим қадам бўлади.

Ҳозирги кунда университетимизда жорий этилган Индивидуал таълим концепцияси талабаларнинг шахсий қобилияти, қизиқиши ва касбий йўналишларини инобатга олган ҳолда ўқитиш тизимини шакллантиришга қаратилган. Ушбу тизим замонавий таълим талаблари, меҳнат бозорининг эҳтиёжлари ва ўқувчиларнинг шахсий истиқболига мослашган ҳолда индивидуал ёндашуви таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилмоқда. Бу эса экологик таълимнинг ривожини унҳам кенг имкониятлар яратаяди.

Экологик барқарорлик ва ресурс тежовчи модель

Стратегияда экологик барқарорлик, ресурс тежамкорлик ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган. Шу боис Индивидуал таълим концепцияси доирасида экологик таълимга ихтисослаштирил-

ган курслар, махсус фанлар ва илмий тадқиқот лойиҳалари ташкил этилиши режалаштирилган.

Бу концепция асосида экологик таълимга йўналтирилган шахсий ўқув дастурлари ишлаб чиқилади. Ҳар бир талабага ўз қобилияти ва касбий қизиқишига мос равишда экологик фанлар, иқлим ўзгариши, табиат муҳофазаси, қайта тикланувчи энергия манбалари билан ишловчи корхоналарда тажриба ўташ, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш ва “яшил” технологиялар асосида таълим методикасини шакллантириш каби имкониятларга эга бўлади.

Онлайн ва интерфаол таълим платформалари орқали талабаларга экологик инновациялар ва барқарор ривожланиш бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш имконияти яратилади.

Экологик педагогика ҳамда “яшил” таълим бўйича мутахассислик дастурлари шакллантирилади ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб борилади.

Махсус экологик устаноналар ва лабораториялар ташкил этилиб, талабалар атроф-муҳит муҳофазасига оид илмий тадқиқот ишларини амалий тарзда бажариш имконига эга бўлади.

Бундан ташқари, Индивидуал таълим концепцияси доирасида талабаларнинг экологик йўналишидаги тадқиқотлари учун грантлар ва илмий стипендиялар ажратиш, иқлимшунослик ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича халқаро ва маҳаллий илмий марказлар билан ҳамкорликни кучайтириш режалаштирилган. Шу тариха Индивидуал таълим модели нафақат шахсий қобилият ва касбий қизиқишларни ривожлантириш, балки экологик таълимни индивидуал тарзда ташкил этиш ва талабаларга барқарор ривожланиш таъминларини чуқурроқ сингдириш имконини беради.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида таълим тизимининг халқаролашуви Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши ва илгор стандартларга мос ўқитувчилар тайёрлаш учун муҳим омил ҳисобланади. Университетимизда жорий этилаётган Халқаро ўқитувчилар тайёрлаш дастури айнан шу мақсадга қаратилган бўлиб, у аънавий таълим методларини такомиллаштириш, экологик таълим соҳасида халқаро стандартларни жорий қилиш ва уларни маҳаллий шaroитларга мослаштириш имконини беради.

Мазкур лойиҳа доирасида экологик таълим, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида юқори малакали ўқитувчиларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу жараёнда халқаро тажрибани ўрганиш ва илгор методикаларни ўзлаштириш учун хорижий университетлар ҳамда таълим марказлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, экологик таълим соҳасида халқаро сертификатлаш тизимини жорий этиш, ўқитувчиларнинг экологик саводхонлигини ошириш ва уларни халқаро бозорда рақобатбардош мутахассислар сифатида тайёрлаш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, халқаро таълим дастурларидан фойдаланган ҳолда маҳаллий таълим тизими учун махсус ўқув ва методик қўлланмалар яратиш ҳам ушбу лойиҳанинг асосий йўналишларидан. Бу эса маҳаллий педагоглар ва талабаларга экологик таълимнинг энг сўнгги методларини ўзлаштириш имконини беради.

Умуман, Халқаро ўқитувчилар тайёрлаш дастури нафақат педагог кадрларнинг малакасини ошириш, балки Ўзбекистон таълим тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, экологик маданиятни шакллантириш

Халқ сўзи Народное слово ТАНЛОВИГА

ва “яшил” таълимни ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди. Бу эса “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг экологик таълимга оид вазифаларини амалга оширишда муҳим қадам бўлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Президент Фармонда таълимнинг амалийлаштирилган моделларини жорий этиш, кадрларни ишлаб чиқариш ва инновация соҳалари билан интеграция қилиш ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланган. Шунга мувофиқ, Чирчиқ давлат педагогика университетида Дуал таълим тизими йўлга қўйилиб, у талабаларга ўқув муассасаларида олган билимларини реал шaroитларда синаб кўриш имконини беради. Талабалар экологик таълим муассасаларида амалиёт ўташ, уларда экологик фанларни ўқитиш услубларини ўрганиш ва методик қўлланмалар тайёрлашда қатнашиш, қайта тикланувчи энергия манбалари билан ишловчи корхоналарда тажриба ўташ, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш ва “яшил” технологиялар асосида таълим методикасини шакллантириш каби имкониятларга эга бўлади.

«Эшитдим, кўрдим, бажардим»

Замонавий педагогик ёндашувлар орасида амалиётга йўналтирилган ўқитиш методлари алоҳида аҳамият касб этади. Чирчиқ давлат педагогика университетида жорий қилинган “Эшитдим, кўрдим, бажардим” лойиҳаси талабаларни экологик таълим жараёнига фаол жалб қилиш, уларнинг билимининг амалий қўникмалар билан бойитиш ва муаммоларга ечим топишда тажрибадан фойдаланишга ўргатишга йўналтирилган.

Бу лойиҳа стратегияда белгиланган экологик таълим ва барқарор ривожланишга оид мақсадлар билан узвий боғлиқ бўлиб, ўқув жараёнини нафақат назарий билимлар билан чекламай, талабаларга реал муаммоларни ҳал қилиш қўникмасини ҳам шакллантиришни кўзда тутаяди. Экологик саводхонлигини ошириш ҳамда атроф-муҳит муҳофазасига масъулиятни ёндашуви шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ёндашув талабаларга нафақат экологик тадқиқотлар ҳақида тушунча беради, балки уларни амалиёт орқали шу муаммоларга ечим топишга ўргатади.

Ушбу лойиҳа талабаларнинг ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларни реал ҳаётда юзага келаятган экологик муаммоларга ечим топишга ўргатиш, шунингдек, барқарор ривожланиш ва иқлим ўзгаришига мослашув стратегияларини ишлаб чиқишда иштирок этишга рағбатлантириш имконини беради.

Таълим соҳаси, хусусан, педагогик олий таълим муассасалари “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида янги методлар, инновациялар ёндашувлар ва экологик таълим моделларини жорий этишга мослашиши зарур. Университетимизда амалга оширилаётган юқоридаги лойиҳаларнинг ушбу Фармон мақсадлари билан уйғунлаштирилиши экологик таълим тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бугунги кунда таълим тизими нафақат назарий билим бериш, балки экологик маданиятни шакллантириш, талабаларни экологик муаммоларни ечишга йўналтириш, амалий қўникмаларни ошириш вазифаларини ҳам бажариши лозим. Ушбу Фармон доирасида фан ва таълимнинг интеграциялашуви, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, экологик инновацияларни тадқиқ қилиш ва амалиётга табиқ этиш устувор йўналишлардан бирига айланмоғи зарур.

Фармон нафақат ҳозирги, балки келажак авлодлар учун ҳам экологик барқарорлик ва “яшил” тараққиёт йўлида мустаҳкам пойдевор яратаяди. Давлат ва жамият олдидagi асосий вазифа — ушбу ҳужжатда белгиланган мақсад ва вазифаларни тўлиқ амалга ошириш, барча соҳада тафаккур ва ёндашуви янги давр талабларига мослаштиришди. Таълим ва илм-фан эса ушбу мақсадларни рўёбга чиқаришда асосий куч бўлиши шарт.

Ғофуржон МУҲАМЕДОВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.



Таэквондо: жазззахлик ёшлар Президент кубоги соҳиб

Бухоро вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун “Таэквондо-WT” йўналиши бўйича ўтказилган жамоавий аралаш дастур мусобақалари бўлиб ўтди.



Мазкур турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан жами 14 та жамоа иштирок этди.

Қизгин беллашувларда омад жазззахлик спортчиларга қулиб бокди. Татамида рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган жазззахлик атлетлар олтин медаллар шодасини қўлга киритиб, Президент кубоги соҳибига айланди.

Шунингдек, мусобақада Хоразм вилояти спортчилари иккинчи, пойтахт вакиллари эса учинчи ўринни эгаллади.

Маълумот учун, мусобақанинг ўтган йилги баҳсларида Тошкент вилояти таэквондочилари “Президент кубоги” соҳиб бўлганди.

Дзюдо: мамлакатимиз учун тарихий натижа

Пойтахтимизда уч кун давом этган дзюдо бўйича “Катта дубулға” турнири баҳслари якунига этди.



Ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси жами 12 та медал билан умумжамоа ҳисобида 3-ўринни қўлга киритди. Бу кўрсаткич мамлакатимиз учун муҳим натижа бўлиб, вакилларимиз тарихда ilk бор бир мусобақада 12 та медалга эга чиқди — 1 олтин, 3 та қумуш ва 8 та бронза.

Беллашувларда олтин медални Шаҳзоҳжўа Шарипов қўлга киритган бўлса, қумуш медаллар эса Замаҳшари Бекмуродов (-66 кг.), Хуршида Раззоқбердиева (-70 кг.) ва Арслонбек Тожиёва (-81 кг.) насиб этди.

Терма жамоамиз ҳисобига бронза медалларни Камолитдин Бахтиёров (-60 кг.), Анваржон Иброҳимов (-60 кг.), Мухриддин Тилолов (-66 кг.), Артём Штурбабин (-66 кг.), Шаҳрам Аҳадов (-73 кг.), Нурбек Муртазоев (-90 кг.), Эрназар Сарсенбаев (-100 кг.) ва Алишер Юсупов (+100 кг.) тақдим этди.

Боксчиларимиз муваффақияти

Шу йил 22 февралдан 3 мартга қадар Болгариянинг София шаҳри анъанавий 76-“Strandja” халқаро бокс турнирига мезбонлик қилди. Ушбу мусобақада Тўлқин Қиличев бошчилигидаги терма жамоамиз иштирок этди.



Натижаларга кўра йигитларимиз мусобақани 5 та олтин, 1 қумуш ва 2 та бронза медаллари билан якунлашди. Умумжамоа ҳисобида Қозоғистон терма жамоаси биринчи, вакилларимиз эса иккинчи ўринни эгаллашди.

Айтиш жоизки, ушбу халқаро турнирда Қозоғистон терма жамоаси 26 нафар боксчи, вакилларимиз эса 17 боксчи билан қатнашди. Яъни Асадуҳжўа Мўйдинжўаев жароҳати, Абдумалик Халовов профбоксдаги жанги борлиги сабабли иштирок этолмагани ҳам натижага бироз таъсир қилди.

«Халқ сўзи».

Мамлакатимизда Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним таваллудининг 110 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 342. 15 120 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳосин келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатда маълумотларини юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Х. Норбоев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.